

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕМЕЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил « 28 » Январь 16/01/0-сон Нукус шахри

*Нокис_ КЭТК асосида фаолият юритувчи рахбари **Ю.Раджапова** (кейинги ўринларда «Корхона» деб аталади) бир томондан асосида фаолият юритувчи Нукус шахар ХТБ*

*Рахбари **П.Акназаров** (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади), иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар түгрисида туздилар:*

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофик, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармок оркали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол килинган энергия учун ўз вақтида ха к тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив _____ кВт.с. реактив _____ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 317537995,5(уш ўз ун етти миллион ўттиз етти минг тўккиз ўз тўксон бес сўм бес тийин, тариф бўйича НДС 15% 41417999 (кирк бир миллион тўрт ўн етти тўккиз ўз тўксонт тўккиз сўмни ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳак тўланадиган ҳакиқий микдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташкири) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоклари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта

микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-илласига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг «_____» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоклари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан дъяво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истемолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, колган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳак тўланмаган хамда ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истемолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. «Корхона» «Истемолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

«Истемолчи» турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади хамда истемолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон раками имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофик, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларининг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истемолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истемолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истемолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истемолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истемолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истемолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истемолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги хисобот истемолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истемолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истемолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибida Корхона томонидан ёзб олингандан кейин амалда истемол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб килинади. Қайта хисоб-китоб истемолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг

иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниглаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзib олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниглаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзib олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини тъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол килганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб оидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қўйидаги ҳолларда электр тармокларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохиди шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилинган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўреатиладиган коммунал хизматлар электр энергияси тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги хукукларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр курилмаларини «Корхона» электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришининг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни кайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасиний тузиша ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (mansabдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истельмолчи» конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга ҳам эга.

4.2. «Истельмолчи» күйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истельмоли режимига риоя этиш;
фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация килишида ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекция» конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниглашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистельмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган «Истельмолчи», «Корхона» талабига асосан аниглаш ва хабар беришга мажбур:

истельмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дакикадаги сарфини.

«Истельмолчи» конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга.

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жихатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чикиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига караб қайта кўриб чикиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истельмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳдил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниглаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниглаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган мөъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуидаги хукукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳак тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармокларидан узин.

«Корхона» конунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлинниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечик масдан огохлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганини ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиши;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиши, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳакида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳакиқий зарарни коплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳакиқий зарарни коплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килма, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира маңбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди;

«Корақалпок худудий электр тармоклари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоклари» АЖ ўртасида тузилган шартномаға мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоклари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолған электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни карздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал килишнинг иложи бўлмагандан, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдикланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хуқукий хужожатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Нукус шаҳар ХТБ

Юридик манзили Ч.Абдиров 2

Хисобраками 100022860354017092100075131

Банк коди (МФО) 0014 STIR (ИНН) 201122919

рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: 0000033174

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) 202034963

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами _____

Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) _____

КҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: (61) 226-15-11 Факс: _____ e-mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами _____ ; _____ ; _____ ; _____ ; _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 84130

DBIBT (СООГУ) _____

MNOBT (COATO) _____

(КФС) _____

TSHK (КОПФ) _____

КОРХОНА:

Почта манзили г. Нукус ул. Утепова б/н

Ҳисобрақами 22636000800314531480

Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200357207

КҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 226-52-55, 226-52-58 Факс: _____

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ) _____

MNOBT (COATO) _____

Истеъмолчи:



Корхона:

Ю. Раджапова
М. Ў., имзо, лачозими, ф. и.



Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. «Истемолчи» электр қурилмаларининг уланган куввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Хисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	312537995,5				
Январь	105845998,5				
Февраль	105845998,5				
Март	105845998,5				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I __, II __, III __



Истемолчи

шадар ҳуб
жиззаков

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Корхона

М.Ү

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истемолчи»нинг (субистемолчининг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВт) кўреатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копкогидаги корхона пломбасининг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кунданги кўрсаткичлар и хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			

Имзолар:



Истемолчи:

Ж. Мисоев
(Имзо)

Корхона:

М. Ў.
(Имзо)

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ; Хар бир электр энергияси хисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

*Хисобга олиши прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ кучланини
трансформатори _____ жами кофициент _____ уланган куввати _____ кВт*

Хисобга олиши прибори ўрнатилган манзил _____

шахар, қфи, мфи, кўча уй рақами

1. Тариф гурухи _____ Фаолият тури _____
Труба ишл.чик, Шлакоблок, Гишт, Пленка ишл.чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. «Истеъмолчи»нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) ҳаво электр тармоғи _____

b) кабель электр тармоғи _____

b) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП раками _____, _____ кВА

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича
mansublik чегараси _____

3. Улардан куйидагиларга:

a) _____ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан,

b) _____

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатилиши» № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатилиши» шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: _____

Вакиллар:



(имзо)

J. Анизоров
(Ф.И.Ш.)

М.У.

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Энергияни йўқолишларини аниклаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми хисоблаш йўли билан аникланади ва куидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиши:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар хажми хисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чикиб аникланади.

Корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган майший истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истемолига қаратилади.

Имзолар:



Истемолчи:

М.У. (Имзо)

Корхона:

М.У. (Имзо)

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « ____ » 20 ____ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Жами												

Изоҳ: $7_{\text{устун}} = 6_{\text{устун}} - 5_{\text{устун}}$, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками $7_{\text{устун}} = 9_{\text{устун}} + 10_{\text{устун}} + 11_{\text{устун}} + 12_{\text{устун}}$
 $+ 13_{\text{устун}}$ $8_{\text{устун}} = 7_{\text{устун}} * 4_{\text{устун}}$

Истемолчи раҳбари

Корхона энергетиги



Ф.И.Шимзоси

Ф. И. Шимзоси

J. Shimaзов

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вакти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўринатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истемол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асоссан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати Истемолчи томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истемолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истемолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганилиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истемолчи ягона электр тизими тармогида электр тармогининг катта юкламили соатларида реактив энергия хосил килганда ва электр тармогининг кичик юкламили соатларида энергия тизими тармогидан реактив энергия истемол килинганда, агар Истемолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.



Истемолчи:

М.Ў.

Корхона:

(Имзо)

М.Ў.

YuRIDIKALIQ ÁHMIYETKE IYE BOLG'AN HUJJETLERDIŃ NIZAM HUJJETLERINE MUWAPIQLIG'I HAQQINDA HUQIQIY JUWMAQ

1. Joybar túri –shártnama.
2. Joybardıń atı – Nókis qalaliq elektr tarmaqlari karxanasi hám Nókis qalaliq xaliq bilimlendiriliw bólimi ortasındaǵı xojaliq shártnama.
3. Nókis qalaliq Mádeniyat bólimi tárepinen kiritilgen Nókis qalaliq elektr tarmaqlari karxanasi hám Nókis qalaliq Nókis qalaliq xaliq bilimlendiriliw bólimi ortasındaǵı xojaliq shártnamasi joybari.
Shártnama joybari ámeldegi nizam hújjetlerine muwapiq islep shig'ilg'an hám oni qabil etiw *maqsetke muwapiq*.

Nókis qalaliq Yuridikaliq
xizmet kórsetiw orayi
bas yuriskonsulti



Sh.Mambetsapaev